

# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



| MUNDARIJA *** СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS  |   |     |
|--|---|-----|
| ANIQ VA TABIIY FANLAR *** EXACT AND NATURAL SCIENCES *** ТОЧНЫЕ И ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ |   |     |
| Rasulov T.H.,<br>Dilmurodov E.B.,  | Kompakt qo'zg'alishli unumlashgan Fridriks modelining ba'zi spektral xossalari  | 4   |
| Ismoilova D.E.   | Fermionli fok fazodagi uchinchi tartibli operatorli matritsaga mos kanal operator va uning spektri  | 9   |
| Jumaev J.J.,<br>Tursunova S.F.,<br>Ibragimova Sh.E.,                                 | Inverse coefficient problem for heat equation in the bounded domain   | 15  |
| Djurayev D.R.,<br>Turayev A.A.,<br>To'rayev O.G'.                                    | $Bi_{1.7}Pb_{0.3}Sr_2Ca_nCu_{n-1}O_y$ vismut asosli kupratlarning olinish texnologiyasi   | 21  |
| Umarov Sh.A.   | Shifrlash algoritmlarida kriptobardoshli mantiqiy amallardan foydalanish usullari   | 25  |
| Axmedov O.C.   | Свободные и вынужденные осесимметричные колебания систем вязкоупругих цилиндрических оболочек   | 30  |
| Исломов Б.И.,<br>Жураев Ф.М.   | Краевые задачи с условием Геллерстедта на параллельных характеристиках для вырождающегося нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа | 34  |
| Амров С.Ф.,<br>Шаропов Ш.А.,<br>Сатторов Г.А.  | Дифференциал трансформатор датчиклар оддий ва махсус структурали нозизиқ магнит занжирларининг математик моделлари                              | 43  |
| Турдиев Х.Х.,<br>Суяров Т.Р.,<br>Наврүзова М.Н.                                      | Начально-краевая задача для системы интегро-дифференциальных гиперболических уравнений  | 50  |
| Tosheva N.A.   | Lower bound of the essential spectrum of a family of $3 \times 3$ operator matrices   | 57  |
| Akramova D.I.  | Estimates for convolution operators related to $A_\infty$ type singularities  | 63  |
| Jo'raqulova F.M.   | Bozonli fok fazodagi operatorli matritsaga mos Faddeyev tenglamasi  | 72  |
| Rasulov T.H.,<br>Ne'matova Sh.B.   | Unumlashgan Fridriks modeli kvadratik sonli tasvirining komponentlari   | 77  |
| Seytov Sh.J.,<br>Ochilova G.B.   | Баъзи даврий реакцияларнинг математик моделлари   | 82  |
| Sirliyeva F.A.,<br>Khudaybergenov K.K.,<br>Muminov Z.E.                              | Fuzzy neural network and agent technologies in the structural-parametric modeling of technological systems                                      | 87  |
| Tosheva N. A.,<br>Qodirov S. O.  | Python dasturlash tili yordamida matritsa sonli tasvirini kompleks tekislikda tasvirlash algoritmi  | 93  |
| Xasanov H.H.,<br>Xasanov K.X.  | Начально-краевая задача для адвекции - дисперсионного уравнения дробного порядка  | 100 |
| Husenov B. E.  | Poisson representation for $A(z)$ -harmonic functions belonging to some class   | 107 |
| TILSHUNOSLIK *** LINGUISTICS *** ЯЗЫКОЗНАНИЕ   |   |     |
| Nigmatova L. X.  | Lisoniy sistemaning pog'onaviyligi va unda gipo-giperonimik munosabatlar  | 116 |
| Sadigova S.I.  | Phraseological combinations with ordinal numbers in English   | 123 |
| Abdulxayrov D.P.   | -Gan ekan shaklining mazmuniy ko'rinishlari   | 127 |
| Xodjayeva D.I.,<br>Hoshimova G.M.  | Erkin Vohidov she'rlarida ritorik so'roq gaplarning o'ziga xos xususiyatlari  | 131 |

|  |   |     |
|--|---|-----|
| Ismatullayeva I.I.                     | Hozirgi zamon tilshunosligida konseptni o'rganish metodlari, usullari va klassifikatsiyasi                              | 135 |
| Mehmonova Y. Ch.                       | Typology of collocations in combinatorial linguistics   | 139 |
| Nuniyazova Sh. U.,<br>Djumabaeva J.Sh. | Comparative analysis in translation of English idioms and set expressions into Uzbek and Russian                        | 144 |
| Rajabov E.E.                           | O'zbek va ingliz tillaridagi "oila" tushunchasi konseptual maydonining lingvokognitiv tahlili                           | 148 |
| Ruziyeva N. X.                         | Zamonaviy tilshunoslikda matn va diskurs talqini  | 153 |
| Xodjayeva D.I.,<br>Safarova M.H.       | Ingliz tilini o'qitishda fonetik interferensiyaning o'rni   | 157 |
| Samandarova G.Y.                       | Sodda gap ko'rinishidagi "hasharot" lug'aviy ma'no guruhlari asosida shakllangan paremalarning o'ziga xos xususiyatlari | 161 |
| Sayfullayev B.N.                       | Noqardosh tillarda o'zlashtirmalik (o'zbek va fransuz tillari misolida)   | 165 |
| To'yboyeva Sh.R.                       | Fransuz tilida sodda gap tarkibiy qismlarini tarjima qilishda yuzaga keladigan muammolar yechimi                        | 170 |
| Абдурахманова М.У.                     | "Кўрлик" касалигининг ўзбек, рус, инглиз тилларидаги лингвистик-семантик тадқиқи  | 174 |
| Ахмедова М.Х.                          | Ўқув жараёнига тааллуқли ноадабий сўзларнинг психолингвистик хусусиятлари   | 180 |
| Вахидова Ф.С.                          | Дискурда диний туризм ва знерат туризми терминларининг воқеланиши   | 183 |
| Avezov S.S.                            | A Corpus-based approach to phraseology research   | 189 |
| Kobilova A.B.                          | Ingliz va o'zbek tibbiy perifrazarining semantik mikromaydonidagi lingvokulturologik xosliklari                         | 194 |
| Bobokalonov R.R.,<br>Narzulaeva D.B.   | Vocabulary of the Qur'an in the object of theolinguistics   | 203 |
| Nazarova G.P.                          | Muloqotda gender farq muammolari xususida   | 210 |
| Raxmatov A.P.                          | Plusquamperfekt zamon shaklining grammatik ma'nolari va uning kontekstual tahlili (nemis tili misolida)                 | 215 |
| Sayidova G.Y.                          | Alisher Navoiy nazmiy asarlaridagi o'xshatishlarning leksik-grammatik tabiati   | 221 |
| Rasulov Z.I.,<br>Yuldasheva F.E.       | Xushmuomalalikning nutq odobida ifodalanishi  | 232 |
| Бозоров З.А.                           | Речевая культура в качестве неотъемлемой части языковой культуры личности   | 240 |
| Мавлонова М.Д.                         | Инглизча ахборот технологиялари терминларининг ўзбек тилига ўзлаштириш жараёнида маъно торайиши ва кенгайиши ҳодисалари | 245 |
| Шарипова А.А.                          | Луғат корпусини яратиш технологияси   | 251 |
| Hayotova D.Z.                          | Tushuncha va so'z munosabati  | 255 |
| Mamatova D.M.                          | Xitoy tilida ta'm bildiruvchi sifatlar tahlili  | 259 |
| Сафаров Ф.С.                           | Маънодошлик қаторидаги сўзлар орасидаги маъновий муносабат ҳақида   | 266 |
| Akhmedova D.B.                         | Semantic comments in an explanatory dictionary and their processing as a semantic extension                             | 272 |

**ADABIYOTSHUNOSLIK \*\*\* LITERARY CRITICISM \*\*\* ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ**

|                 |   |     |
|-----------------|---|-----|
| Темирова Дж. Х. | Отражение национальной картины мира в русском и узбекском детском фольклоре | 277 |
| Насруллаев Э.Ж. | Алишер Навоий "Ҳикмат ва ибрат достони"нинг ғоявий таҳлили                  | 284 |
| Шарипова Л.Ф.   | Шекспир ва Рауф Парфи сонетларида бадний тасвир                             | 288 |

|   |  |     |
|---|--|-----|
| Қаюмова Н.М.  | воситаларнинг қўлланиши  |     |
| Fayziyeva M.Ch.   | Amerika va o'zbek badiiy diskursida sadoqat va xiyonat g'oyalari talqini   | 292 |
| Juraqulova G.M.   | Biographic elements in "Jane Eyre" by Charlotte Brontë   | 296 |
| Kadirova N.A.   | Complex nature of the term "motif" in literary criticism, and the analysis of one of its variations on the example of the uzbek folk tale "Mokhistara" | 300 |
| Rakhmatova M.M.,<br>Fayziyeva Sh.R.   | Literature review on the analysis of academic integrity challenges in muslim countries   | 304 |
| Pulatova S.Sh.  | Factors leading to family happiness in the short story "A marriage of convenience" by William Somerset Maugham   | 310 |
| Xudoyev S.S.  | Nemis adabiyotshunosligida topishmoq janrining tadqiq-u tavsifi  | 314 |
| Zokirova N.S.   | Tarjimada lingvokognitiv dunyo manzarasi, lingvistik ong va lingvistik anglashning o'zaro munosabatlari  | 319 |
| Каримова Д.Х.   | Таржимада вариантлик ва инвариантлик тушунчаларининг специфик хусусиятлари   | 324 |
| Мамадиярова Ю.А.  | Бадий таржимада меъморий экфрасис матнлар таҳлили  | 331 |
| Содиқова Д.Т.   | Муслиҳабегим Мискин шеърятининг образлар олами ва уларнинг поэтик функцияси  | 337 |
| Rakhmatova Sh.B.  | Reflection of feminism and ecofeminism in Dorris Lessing's work "The cleft"  | 345 |
| Азимова М.С.  | Садриддин Салим Бухорий ижодида ғазал жанри  | 349 |
| Бабаев О.А.   | Жалолiddин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарининг жаҳон адабиётида ўрганилиши  | 352 |
| Тўраева Л.О.  | Ўрим кўшиқларининг образлар таркиби ва бадий-композицион хусусиятлари  | 357 |
| Хамдамова С.Б.  | Уильям Батлер Йейтс ижодида модернистик шеъринг техникаларининг қўлланилиши  | 362 |
| Vahronova V.B.  | Badiiy adabiyotda ijtimoiy munosabatlar va madaniy hayot talqini   | 368 |
| Qodirova S.A.   | "Devonu lug'otit turk" va "Zarbulmasal" asarlarida qo'llanilgan maqollarning qiyosiy-tipologik tahlili   | 372 |
| Ражабов Т.А.  | Замонавий ўзбек шеърятда бадий кўчимларнинг лисоний-бадий таҳлили  | 376 |
| Норова Н.Б.   | Усмон Кўчқор лирикасида тош ва тупроқ образларининг қўлланилиши  | 380 |
| Qurbonova N.R.,<br>Mustafoyeva M.A.   | Jahon adabiyotida sonet janri tadriji  | 384 |
| Sayliyeva Z.R.  | Ibrohim Haqqul asarlarida tasavvufga munosabat   | 389 |
| <b>MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK *** TEXTOLOGY AND LITERARY SOURCE STUDY *** ТЕКСТОЛОГИЯ И ЛИТЕРАТУРНОЕ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ</b> |  |     |
| Olimova M.S.  | Huvaydo she'riyatida tasavvuf ohanglari  | 395 |
| Baxtiyorova G.M.  | Ahmad Yassaviy toshbosmalarida Qur'on oyatlari talqini   | 400 |
| <b>"NAVOIY GULSHAN"</b>   |  |     |
| Sayliyeva M.R.  | About the artistic world of the great artist   | 405 |
| <b>PEDAGOGICS</b>   |  |     |
| Safarli N.T.  | Formation and development of higher education institutions in Nakhchivan during the Soviet era   | 408 |
| <b>HISTORY</b>  |  |     |
| Xaitov Sh. A.,<br>Ahmadov A.A.  | XX asr boshlarida Rossiya-Afg'oniston savdo-sotiq aloqalari va Afg'oniston armiyasi D.N. Logofet talqinida   | 415 |

УИЛЬЯМ БАТЛЕР ЙЕЙТС ИЖОДИДА МОДЕРНИСТИК ШЕЪРИЙ  
ТЕХНИКАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Хамдамова Ситора Бахшиллоевна,  
БухДУ Инглиз адабиётишунослиги  
кафедраси ўқитувчиси  
[s.b.xamidovna@buxdu.uz](mailto:s.b.xamidovna@buxdu.uz)

*Аннотация:* У.Б.Йейтс бутун ижодий фаолияти давомида ўз замонасининг қурашини акс эттирган муаллиф сифатида кўришиб, реал ҳаётдаги шиддатли ўзгаришлар, мураккаб зиддиятлар шоир ижодида ҳам ўз аксини топганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, ижодий етуклик даврида унинг ўзига хос муаллифлик услубини яратиб орқали мукамалликка интилишини кузатамиз. Бу мақсад йўлида шоир ижоди кўнгина трансформацияларга учраб, уларда модернистик хусусиятларнинг асосан шоир шеърияти мазмуни ва шу мазмунни тасвирлашда қўлланиладиган шеърий воситаларда намоён бўлади.

У.Б.Йейтс дастлабки шеърларидаги услубга хос диққат, лирик образлардан чекиниб, сўзлашув услубига яқин нутқда иқтисодий, сиёсий мавзуларни ёрита бошлади. Ижодий фаолиятининг сўнгги йиғирма йиллигини олиб қарайдиган бўлсак, унда модернистик хусусиятларнинг яққол намоён бўлишини кўрамыз.

*Калит сўзлар:* модернизм, ифодали синтаксис, мураккаб метафора, аллюзия, интертекстуаллик.

*Аннотация:* У.Б.Йейтс рассматривается как автор, отражающий борьбу своего времени на протяжении всей своей творческой карьеры, и мы видим, что бурные перемены и сложные конфликты в реальной жизни нашли отражение и в творчестве поэта. Особенно в период творческой зрелости мы наблюдаем, что он стремится к совершенству, создавая свой авторский стиль. На пути к этой цели творчество поэта прошло множество трансформаций, в которых модернистские черты проявляются, главным образом, в содержании поэзии и поэтических средствах, используемых для описания этого содержания.

У.Б.Йейтс начал освещать экономические и политические темы в речи, близкой к разговорному стилю, отходя от дикции и лирических образов, характерных для его ранних стихов. Если мы посмотрим на последние два десятилетия его творческой деятельности, то увидим явное проявление модернистских черт.

*Ключевые слова:* модернизм, экспрессивный синтаксис, сложная метафора, аллюзия, интертекстуальность.

*Abstract:* W.B.Yeats is seen as an author who reflects the struggle of his time throughout his creative career, and we witness that the violent changes and complex conflicts in real life are also reflected in the poet's works. Especially in the period of creative maturity, we observe that he strives for perfection by creating his own writing style. On the way to this goal, the poet's work underwent many transformations, in which the modernist features are manifested mainly in the content of his poetry and the poetic techniques used to describe this content.

W.B.Yeats started to cover economical and political topics in a speech close to the style of conversation, departing from the diction and lyrical images characteristic of his early poems. If we look at the last two decades of his creative activity, we can see the clear manifestation of modernist features.

*Keywords:* modernism, expressive syntax, complex metaphor, allusion, intertextuality.

**Қириш.** У.Б.Йейтс ижодида модернистик хусусиятлар борасида тўхталадиган бўлсак, шоирнинг романтик ижодкор сифатида ўз фаолиятини бошлаб, модернистик йўналиш томон ўзгариб боришини кузатамиз. XX аср бошидаги сиёсий-ижтимоий жараён шоирни кўпчилик замондошлари каби ўз услубини модернистик йўналиш томон конвертацияга ундади. Модернизмнинг мавзулари, шеърий тузилиш борасидаги тажрибалари ва анъанавий лирик қондаларни рад этиш каби хусусиятлари Йейтс ижодига кириб келиши билан унинг шеъриятининг буткул трансформациясига сабаб бўлди. Кўнгина анъанавий модернист ижодкорлар сингари У.Б.Йейтс ҳам ўз ишларида асосан қайтиб келмас буюк ўтмиш ва келажакка назар каби парадоксал мавзуларга мурожаат қилади. [8, 11]

## LITERARY CRITICISM

Э.Паунд ва Т.С.Элиотларнинг тарихий мавзуларга мурожаати ва ижтимоий мавзуларда келажакни башорат қилишга интилиши У.Б.Йейтс шеърятда ҳам модернизмнинг ёркин хусусиятларидан бири сифатида кўринади. Ўзининг модернистик қарашларида шоир ўтмиш аъёнлари орқали келажакни кўради.

Модернист шоир сифатида У.Б.Йейтс шеърини шакли кескин ўзгартиришга интилмаган бўлса ҳам, шеърнинг тузилишини белгилайдиган шеърини техника ва воситаларга алоҳида эътибор қаратади. Ижодкорнинг шеърини тузилишини оддий грамматикадан “ифодали синтаксис” даражасига кўтариши унинг турли синтактик ифода воситалари ва унсурлардан фойдаланганлигини кўрсатади.

**Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар.**

Модернизмнинг маълум давр ва рақамлар билан чегараланиши шартли эканлигини йўналиш хусусиятларининг шеърят ривожининг олдинги босқичларида ҳам мавжуд бўлганлиги билан асослаймиз. Ҳар бир даврда, хусусан инглиз шеърятини ривожини тадрижда мавжуд аъёнларга қарши чиқиш, уларни давр талабига кўра янгилаш ва замонавий баъдий урф қондаларини киритиш каби хусусиятлар ўз ўрнида уша давр ижодкорларини модернизмга дахлдор қилади. Яъни, модернизм барча замонларда ўз давридан илдамлаган, илғор, яратувчан ва интилувчан ижодкорлар хусусиятидир.

Шундай қилиб, XIX аср охири XX аср боши Европа маданият ҳаётининг асосий қирралари сифатида янги давр воқелигини акс эттирувчи восита ва усуллар ушбу кескин ўзгаришлар натижасида юзага келган турли баъдий оқимларнинг ўзаро қурашида намоён бўлиши кузатилади. XIX аср охири XX аср боши инглиз шеърятини майдонида олдинги асрдан буён ҳукмронлик қилиб келатган Викториа даври романтик йўналиши ўрнига постромантизм, неоромантизм, символизм, эстетизм, декаданс, авангард шеърятини ҳисобланмиш Эдвард ва Георг даври шеърятини, имажизм ва модернизм каби адабий йўналишларнинг пайдо бўлиш омили, уларнинг ўзига хосликлари билан замонавий инглиз шеърятининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

У.Б.Йейтс ва бошқа ирланд адиблари ижоди тадқиқотчиси Питер Юр ушбу шеър ҳақида тўхталиб, уни ниҳоятда мураккаб шеър эканлиги ва уни тўлалигича англаш қийинлигини таъкидлайди. [11, 254] Лекин, шундай бўлсада, ушбу шеър ўзининг тушунарсизлиги ва номукамаллигига қарамай, кўпчилик китобхонларнинг ҳайратига сабаб бўлади.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. У.Б.Йейтснинг 1928 йил ёзилган “*Sailing to Byzantium*” (“Византияга саёҳат”) шеъри шоир ижодида модернистик мазмун ва техникалар орқали ёзилган дастлабки ижод намунаси деб қаралади. [7, 34] Шеърнинг бош ғояси – “aging”, яъни муаллиф ижодининг сўнгги даврига хос “кексалик ўйлари”нинг ифодаси.

*An aged man is but a paltry thing,*

*A tattered coat upon a stick.*

(Кекса одам арзимас нарса, // Таёкка осилган йиртик палто мисол.)

Ушбу қаторларда шоир кексалик ҳолатини тушқун ва ғамгин бўёқларда тасвирлайди. Лекин ўзининг ночор ҳолатига қарамай ҳаёлларида денгизда сузиб, афсонавий машҳур мамлакат Византияга саёҳат қилади.

Шеърда келтирилган “a tattered coat upon a stick” (таёкка осилган йиртик палто), “tatter in its mortal dress” (ўлимлик кийимидаги йиртик), “fastened to a dying animal” (ўлаётган ҳайвонга маҳкамланган) каби мураккаб метафоралар ҳам ўз ўрнида замонавий ҳаётга нисбатан пессимистик муносабат, маданият жиҳатдан қолоқлик тушунчаларини тасвирлашини кўради. Шоирнинг ҳақиқат тушунчасига нисбатан скептик муносабати, танқидий ифодалар, давр қайфиятига хос маъсулик ва тушқунлик хусусиятини акс эттириш - модернистик хусусиятларнинг дастлабки кўриниши сифатида қаралади.

Шу ўринда “нега шоир айнан Византияга саёҳат қилишни маъқул кўради”, - деган китобхонларда ўринли савол пайдо бўлади. Биламизки, Византия қадимги дунё цивилизациясида гуллаб-яшнаган, илм-фан, ривожланиш маркази бўлган. Энг диққатлиси эса, у ерда инсонлар ҳудого ишониларди:

*O sages standing in God's holy fire*

*As in the gold mosaic of a wall,*

*Come from the holy fire preen in a gyre,*

*And be the singing-masters of my soul.*

(Муқаддас илоҳий оловда турган донишмандлар // Деворнинг олтин мозаикасида бўлгани каби, // Муқаддас олов атрофида бўлинг // Ва қалбимнинг кўшиқ куйловчи устаси бўлинг.)

Кўриниб турганидек, шундай оддий йўсинда шоир инсониятни илоҳий куч бошқарадиган, тартибга соладиган қадимий замонни ўзи яшаётган бетартиб, зиддиятли даврга қисқаб, тарки дунё

фикрларига бериллади. Шоирнинг ушбу шеърда содда шеърӣ тил, мураккаб метафоралар, аллюзия ва субъективлик каби модернистик хусусиятлар намоён бўлади.

У.Б.Йейтс каламига мансуб етарлича таджик килинмаган *"The Lake Isle of Innisfree"* ("Иннисфри кўли ороли") номли яна бир шеърига эътиборимизни қаратамиз. Лирик қаҳрамоннинг ўйлаб топилган кимсасиз манзарали оролда ёлғиз ҳаёт кечириб орузи тасвири шеърнинг мазмунини ташкил этади. Бундай ғояни тасвирлашда шоирнинг табиат ва руҳият ўртасидаги мувозанат, замонавий бетартиб ва ахлоқсиз ҳаёт муаммоларининг ечими сифатида қарашини кўрамиз.

*I will arise and go now, and go to Innisfree,  
And a small cabin build there, of clay and wattles made;  
Nine bean-rows will I have there, a hive for the honeybee,  
And live alone in the bee-loud glade.*

(Мен ҳозир тураман ва кетаман, Иннисфрига бораман, // У ерда лой ва ёғочдан ясалган кичик бир кулба бор. // Тўққиз қатор ловия кўчати, асалари уяси бор, // Ва баланд салкин жойда ёлғиз яшайман.)

Шеърнинг биринчи жумласи "I will arise and go now" ("Мен ҳозир тураман ва кетаман") шоирнинг руҳан тушқунлидан чиқиб кетиши учун айнан шундай сўлим табиатли, инсон қадами етмаган ҳаёлий оролга бориши кераклиги таъкидланади. Бундай "эскейпизм" тушунчаси шеърнинг бутун мазмунини ташкил этиб, айни пайтда модернистик хусусиятларни намоён қилишда хизмат қилади.

Шунингдек, шеърда бир қатор аллюзия, мураккаб метафораларни учратиш мумкин. Масалан, биринчи жумла "I will arise and go now" кейинги қаторларда ҳам такрорланади:

*I will arise and go now, for always night and day  
I hear lake water lapping with low sounds by the shore*

(Мен ҳозир тураман ва кетаман, кечаю кундуз // қирғоқда сувнинг оқаётган сокин товушини эшитиш учун)

"I will arise and go" жумласининг бир неча маротаба такрорланиши Қирол Жеймс инжилидан келтирилган аллюзия сифатида қаралади. Унинг қайта ва қайта такрорланиши эса, инжил матнларидаги такрорнинг ишлатилиш техникаси ва протестант мазхабидагилар дуосига шаъма қилиш сифатида кўринади.

Умуман олганда, шеър тузилиши, поэтик тили ва воситалари билан аъъанавий классик романтик руҳдаги намуналарни эслатса-да, унинг маъноси, реал ҳаёт тасвири, ундан қочиб – эскейпизм ғоялари билан замонавий шеърӣ трендлар хусусиятларини намоён қилади. Шу тарзда шоирнинг аъъанавий шеърӣ шакл билан янгича ғоя ва фикрларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилади.

Сиёсат ва ижтимоий ҳаёт ҳам модернист адибларнинг долзарб мавзуларидан бўлиб, Ирландия сиёсати У.Б.Йейтс ижодининг марказий мавзуларидан ҳисобланади. Шоир ушбу сиёсий воқеаларга индивидуал муносабатини билдириб, мамлакатни қамраб олган тартибсизлик ва зўравонликка қарши ўз услубида қураша бошлайди. Унинг "Easter 1916" шеърӣ 1916 йилги Ирландиядаги "Пасха кўзғолони" тавсилотлари ҳақида бўлиб, ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлган жасур ватанпарварларга бағишланади. Шеърнинг сўнгги қаторларида айтилганидек, эндиликда барчаси ўзгариб "дахшатли гўзаллик яралгани" мамлакатда мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳолатни тасвирлашга хизмат қилади:

*Now and in time to be,  
Wherever green is worn,  
Are changed, changed utterly:  
A terrible beauty is born.*

(Эндиликда ва бундан кейин // Қай ерки кўкаламзор, // Ўзгарди, ўзгарди тубдан // Дахшатли гўзаллик яралиб.)

Пасха байрамининг ўзи ҳам янгилиниш, янги ҳаёт бағишлаш ҳамда ушбу мақсад йўлида қурбон бўлиш рамзи сифатида тасвирланади. Бундан ташқари Йейтснинг *"Sixteen dead men"* шеърӣ ҳам Пасха кўзғолони, *"Nineteen hundred nineteen"* эса Ирландиядаги фуқаролар урушига бағишланган бўлиб, *"On a political prisoner"*, *"September 1913"*, *"Crazy Jane chronicles"* каби яна бир қатор шеърларида сиёсий вазиятни ёритишга ҳаракат қилади.

Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, шеърӣятда модернистик йўналишнинг бошланиши эркин шеърнинг кенг тарқалиши ва шеърӣ шаклнинг ўзгариши билан боғлиқ. У.Б.Йейтс эса, доим шеърӣ шакл ва тузилмаларга алоҳида эътибор билан қараб, шеърларининг асосий қисмини аъъанавий ямб вазнида қофияланган қилиб яратади. Лекин шунга қарамай, шоир айрим шеърларида замон ҳамда бадий тенденциялар таъсирида шакл ва қофия устида маълум тажрибалар ўтказишининг гувоҳи

бўламин. “He wishes for the clothes of Heaven” (“Жаннатий кўйлак ҳақида орзу”) шеъри шундай тажрибаларнинг ёркин мисоли сифатида намоён бўлади.

У.Б.Иейтснинг ўзи таърифлашича, “*The Cap and Bells*” шеъри аёлни кўнглини топиш, уни эгаллаш ҳақида бўлса, “*He wishes for the clothes of Heaven*” эса аёлни йўқотиш ҳақидаги шеър. [9, 43] Шоирнинг ягона муҳаббати Мод Гоннга бағишланган шеърлар қаторига кирадиган ушбу ижод намунасида инсон орзулари ва хис-туйғуларининг моддий бойликлардан устун туриши ғояси илгари сурилади:

*Had I the heavens' embroidered cloths,  
Enwrought with golden and silver light,  
The blue and the dim and the dark cloths  
Of night and light and the half light,  
I would spread the cloths under your feet:  
But I, being poor, have only my dreams;  
I have spread my dreams under your feet;  
Tread softly because you tread on my dreams.*

(Қанийди, самовий кийимим бўлса, // Тилларанг, қумушранг нурларга чўмган. // Кечалар, кундузлар, тонларнинг моза // Ва туманли, хира нуруни эмган. // Уни фақат сенга қилардим совға, // Аммо ҳеч вақом йўқ орзудан бўлак. // Орзуларим сочдим пойингга, мана, // Аяма, қадаминг ташлайвер, малак.)

Ушбу саккиз қатордан иборат шеърнинг энг биринчи ажралиб турадиган жиҳати – у одатий ямб вазнида эмас, балки биринчи тўрт қатори (1-4) дактиль, иккинчи тўртлик (5-8) эса анапест вазнида ёзилган. Қофияланиш тартиби *ababcdcd* тартибида бўлиб, тузилиш жиҳатдан ушбу қаторлар алоҳида икки бандга ажратилиши лозимдек кўринади. Лекин шоир уларни ажратмаганининг сабаби шаклдан кўра кўпроқ маъно устунлик қилишини таъкидламоқчи деб қарашимиз мумкин.

Шунингдек, шеърий шаклнинг асосини ташкил қилувчи яна бир элемент қофияланишга эътибор қаратадиган бўлсак, бу ерда мураккаб қофияланиш – “*time rime*” ҳодисасини кузатамиз. Яъни қофиялар фақатгина сўнгги бўғиндаги унли товушлардагина эмас, балки сўзларнинг ёзилиши ва талаффузда тўлалигича ўз аксини топади. Биринчи тўрт қатордаги “*cloths*” ва “*light*”, кейинги тўрт қаторда эса “*feet*” ва “*dreams*” сўзлари ёзув ва талаффузда бир хил аммо бошқа маъно аниқлаб, мураккаб қофияни (*time rime*) ташкил этади. Шеърда мураккаб қофияланиш билан бирга қофияланишнинг яна бир тури ички қофия (*extra rhyme*) ҳам мавжуд:

*The blue and the dim and the dark cloths  
Of night and light and the half light,*

Ушбу парчанинг иккинчи қаторида қатор сўнгидаги қофияланувчи сўз (*light*) қатор ичидаги сўзлар (*night, light*) билан ҳам қофияланиши ҳодисасини кузатамиз. Сўнгги икки қаторда ҳам худди шундай ички қофияланиш “*spread my dreams*” ва “*tread on my dreams*” сўз бирикмаларида кўринади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, У.Б.Иейтс ижодида эркин шеър ёки оқ шеър каби ҳодисалар кузатилмаса ҳам, фаолиятининг сўнгги даврида шоир тузилиши жиҳатидан анча эркин ва аънавий тизимга солинмаган шеърлар яратади. Бунга мисол қилиб “*Crazy Jane on the mountain*” (“Телба Джейн тоғда”) шеърини келтирамиз. Телба Джейн ҳақида шоирнинг турли тўпламларига киритилган еттита шеъри ўзига хос шеърлар сериясини ташкил этади. Улардаги бош қахрамон телба Джейннинг кескин ва кинояли нутқи орқали муаллиф атрофида содир бўлаётган ҳодисаларга изох беради.

Шеър тузилиши ўзининг ассиметрик кўриниши билан аънавий шеърий қолипдан анча фарқ қилади. Мазмунига кўра икки фожеали воқеани ифодалашни уни тузилиши жиҳатидан ҳам иккига ажратади:

|  |  |
|--|--|
| <i>I am tired of cursing the Bishop,<br/>(Said Crazy Jane)<br/>Nine books or nine hats<br/>Would not make him a man.<br/>I have found something worse<br/>To meditate on.<br/>I kissed a stone</i> | <i>Last night I lay on the mountain.<br/>(Said Crazy Jane)<br/>There in a two-horsed carriage<br/>That on two wheels ran<br/>Great-bladdered Emer sat.<br/>Her violent man<br/>And I cried tears down.</i> |
|--|--|

Ноодатий тузилишдан ташқари шеърнинг қофияланиши ҳам ноаниқ. Шеърда келтирилган [n] ундош товушига оҳангдош “*Jane, man, on, gone, throne, ran, thereupon, stone, down*” сўзлари қофияни ташкил этади. Ушбу сўзлардаги оҳангдошликнинг бир-бирига тўлиқ мос келмаслиги унинг эркин тузилишга эга эканлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, қаторлардаги бўғинлар сонининг



номутаносиблиги ҳам шеърнинг эркин вазнда ёзилганини белгилаб, унинг ноанъанавийлиги ва ўзига хослигини белгилайди.

Бундан ташқари худди шундай шаклий ўзига хосликлар шоирнинг “The moods” (“Кайфиятлар”) ва “The old men admiring themselves in the water” (“Сувда аксига термулаётган қариялар”) номли шеърларида ҳам кузатилади. Шеъринг шакл, вазн ва қофия устида амалга оширган тажрибалари орқали Йейтс анъанавий шеъринг тузилишдан йироқлашиб, замонавий модернистик тенденциялар билан ҳамнафас бўлишга интилади.

У.Б.Йейтснинг “Lapis Lazuli” (“Лазурит”) шеърда ғарб ва шарқ анъаналари, тарихи ва маданияти киёсланиб, бетартиб, ўзгарувчан дунёда санъат инсонга далда ва завқ берувчи ягона ходиса сифатида таърифланади. Урушдан кейинги тушқунлик ва умидсизликка қарамай шоир ҳаётда барча жабҳада уйғунликка эришишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритади. Шеърнинг номланиши ва ундаги асосий мавзу – шоирнинг 70 ёшлиқ тантанасида унга дўсти Гарри Клифтон томонидан совға қилинган лазурит қимматбаҳо тоши билан боғлиқ. Шоир унга узок ва чуқур назар солиб ушбу шеърни яратади. Ушбу шеърни таҳлил қилиш орқали У.Б.Йейтснинг хитой маданияти ва адабиётдан қанчалар бохабарлиги ва шарқ шеърини тузилиши ва моҳиятини ғарб шеъринг маромлари билан қиёсланиши кўрамаиз.

*Two Chinamen, behind them a third,  
Are carved in Lapis Lazuli,  
Over them flies a long-legged bird  
A symbol of longevity;  
The third, doubtless a serving-man,  
Carries a musical instrument.*

(Икки хитойлик, ортдан учинчиси, // Лазуритда ўйилган, // Улар узра узун-оёқ қуш учмоқда // узок умрининг рамзи, // Учинчиси, шубҳасиз, хизматкор, // Мусиқий асбобни элтар.)

Авваламбор, бу ерда шарқ санъати ва фалсафасига хос фикр ифодаси ва хикоячилик кузатилади. Шеърда хикоя қилинган воқеалар ва қахрамонлар қадимги Европа адабиётига мурожаат қилиш ва ундан келтирилган аллюзиялар билан бойитилган:

*All perform their tragic play,  
There struts Hamlet, there is Lear,  
That's Ophelia, that Cordelia;*

(Барчаси фожеали қиссада ўйнар, // Бунда Ҳамлет юрар, бунда Лир, // У Офелия, у Корделия.)

Шарқ ва ғарб маданияти ҳамда фалсафасини қиёслаб, улар ўртасидаги уйғунликка эришиш орқали шоир адабиёт ва санъатнинг ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини енгилдаги аҳамияти ҳақида тўхталди. Дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, адабиётнинг вазифаси инсонлар ҳаётини безатиш, ҳаёт йўлларини ёритиш эканлигини уқтиради. Бунга ўхшаш экзотик мавзулар шоирнинг бошқа ижод намуналарида ҳам учрайди. Масалан, “Imitated from the Japanese”, “Indian upon God”, “Indian to his love”, “The Gift Of Harun Al-Rashid” каби шеърларида шарқ адабиёти мотивларига мурожаат қилиб, замонавий инглиз шеъринида ўзига хос новаторлик ҳаракатларини амалга оширади.

Шоирнинг “The Statues” номли шеъри эса, ижодининг энг сўнгги йилларида ёзилган шеърлардан бўлиб, умри якунидаги фикр ва қарашларининг инъикоси сифатида намоён бўлади. Шеърнинг биринчи ва энг муҳим жиҳати шундаки, у одатдагидек шоир ижодининг илк даврида ёзилган ва сўнгги даврларда қайта ишланган бошқа кўшгина шеърлари қаторидан эмас эди. Илгари яратилган бошқа бирон шеърни эслатмайдиган, бир нафасда ёзилган, ижодкорнинг етук маҳоратини намоён қиладиган шеърлари сирасига қиради.

Ушбу ўринда Эллманнинг У.Б.Йейтс ижодининг сўнгги йиллари ҳақида тўхталиб, “10 йилдан бери бамбук поячаларининг суратини чизиш, уларга қарамасдан чизиш маҳоратига эришган хитойлик рассом сингари Йейтс ҳам эндиликда ўрганиш давридан ўтиб, ўз қониклиши ва роҳатланиши учун ёзадиган даражага эришди. Унинг ўз ишининг усталлиги бекиёс эди”, - деган таърифини келтирамаиз. [4, 46] Ҳақиқатдан ҳам, шоир ҳаётининг сўнгги йилларида ижодининг энг етук намуналарини моҳирона яратганининг гувоҳи бўламаиз. “The Statues” шеъри ҳам бунинг эркин мисоли сифатида намоён бўлиб, шоирнинг мураккаб, ўзига хос услубини кўрсатади.

Хулоса. У.Б.Йейтс ижодида модернистик хусусиятларнинг қуйидаги ҳолатларда кўринишини таъкидлаймиз:

- анъанавий шеър тузилишидаги ўзгаришлар: бўғинлар сонидagi номутаносиблик, қаторлар ҳажмидаги асимметрия, ноаниқ қофияланиш;

- шеърӣ тилнинг содалашуви, хатто айрим мисолларда кўполлашуви; шоир ўзи бу ҳақда “demonic language, not poetic” деб изох беради;
- мавзу ва мотивларнинг тубдан ўзгариши; анъанавий фольклор ва қадимги ирланд мифологияси куйчиси ижоднинг етуқлик даврига келиб, фалсафий ҳамда иқтисодий-сиёсий мавзуларда ижод қилиши;
- замонавий ҳаёт реаллигини тасвирлаш ва ушбу реалликдан қочиш (эскейпизм);
- замонавий шеърӣ техникаларнинг (онг оқими, муракаб метафора, аллюзия, сиёсий, абсурд ва экзотик мавзулар) қўлланилиши.

Буларнинг барчаси шоирнинг замонавий шеърӣятни тушуниш ва уни қўллаш тажрибасини белгилаб, У.Б.Йейтснинг анъанавий, консерватив шоирлар сирасидан ажратиб кўрсатади. Радикал шеърӣ анъаналарни бутунлай рад этиб, кескин ўзгаришлар тарафдорларидан фарқли равишда, Йейтс ўзининг замонавий шеърӣят тўғрисидаги қарашларида асосан мавжуд шеърӣ тенденцияларни замон талабига мослаб, уларга янги ҳаёт нафасини уфуриш тарафдори бўлди.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Bakhshiloyevna, K. S. (2021, January). Formation of modern english poetry in the late xix and early xx centuries. In *Euro-Asia Conferences (Vol. 1, No. 1, pp. 459-461)*.
2. Bakhshiloyevna, K. S., & Uktamovna, Y. H. (2021). Symbolism in william butler yeats' poetry. *central asian journal of literature, philosophy and culture*, 2 (5), 131-135.
3. Bornstein, G. *Material Modernism: The Politics of the Page*. New York: Cambridge University Press. – 2001. – 236 p.
4. Ellmann R. *Yeats. The Man and the Masks*. London: Macmillan. – 1980. – 346 p.
5. Khamdamova, S. B. (2020). Peculiar features of william butler yeats' poetry. *Theoretical & Applied Science*, (4), 348-351.
6. Khamdamova Sitara Bakhshiloyevna. (2021). Critical review of literature on symbolism in william butler yeats' poetry. *Euro-Asia Conferences*, 3(1), 68–69.
7. Longenbach, J. *Stone Cottage: Pound, Yeats, and Modernism*. Oxford University Press on Demand. – 1988. – 334 p.
8. Sheppard R., Bradbury M. *Modernism: A Guide to European Literature*. London and New York: Penguin Books Ltd. 1890–1930. – 1991. – 251.
9. Smith S. *W.B. Yeats: A Critical Introduction*. Rowman. -1990. – 243 p.
10. *The Norton Anthology of English Literature: The Twentieth Century and After*. Ed. Stephen Greenblatt. New York: Norton. – 2000. – 452 p.
11. Ure, Peter. "The Statues'. A Note on the Meaning of Yeats's Poem." *The Review of English Studies* 25.99. – 254-257 p.
12. Yeats W.B. *The collected poems*. Wordsworth Editions. 2000. – 365 p.